
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИДА ФАРҶОНАДА “МОТАМСАРО ОНА” ҲАЙКАЛИ ПОЙИ ГУЛЛАР БИЛАН ТЎЛДИ

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни катта кўтаринкилик билан байрам қилинмоқда.

Халқимиз учун қадрли ва улуғ байрамларда “Мотамсаро она” ҳайкали пойига тантанали гул қўйиш маросими Фарғонада яхши анъанага айланган.

Байрам муносабати билан 14 январь куни вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони биринчи ўринбосари Жамшид Каримов, вилоят Хавфсизлик ва Мудофаа тизимлари раҳбарлари, шунингдек, давлат, жамоатчилик ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари иштирокида “Ватанпарварлар боғи”даги “Мотамсаро она” ҳайкали пойига тантанали гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Гул қўйиш маросимидан сўнг, ҳарбий қисмлар вакилларининг ва техникаларининг ҳарбий марши ҳамда давлатимиз байроғи билан безалган автомобиль ва мотоцикллардан иборат кўргазмали юриши ўтказилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-01-14 19:00:52